

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАМАРАСУЛОВА ГУЛНОЗ АБДУЛҚОСИМОВНА

ИЛК ИНГЛИЗ РОМАНТИЗМ ШЕЪРИЯТИДА ШАРҚОНА
МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 821.111.09

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract of a Doctor of Philosophy (PhD) in
Philological sciences**

Мамарасулова Гулноз Абдулқосимовна

Илк инглиз романтизм шеъриятида шарқона мавзулар талқини..... 5

Мамарасулова Гулноз Абдулкасимовна

Интерпретация восточных тем в ранней английской романтической
поэзии..... 23

Mamarasulova Gulnoz Abdulqosimovna

An Interpretation of Oriental Themes in the Early English Romantic Poetry..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАМАРАСУЛОВА ГУЛНОЗ АБДУЛҚОСИМОВНА

ИЛК ИНГЛИЗ РОМАНТИЗМ ШЕЪРИЯТИДА ШАРҚОНА
МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil425 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холбеков Муҳаммаджон Нурқосимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Муродов Ғайрат Некович
филология фанлари доктори, доцент

Нормуродова Нозлия Зарилловна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети хузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «05» август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14, факс: (0365) 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (74 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июль да тарқатилди.
(2021 йил «23» июль даги 1046-рақамли реестр баённомаси.)



Д. С. Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
филол. ф. д., профессор

З. И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, филол. ф. н., доцент

М. М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф. д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида XVIII аср охири ва XIX аср бошларида ижод қилган илк инглиз романтизм шоирлари шеърлятида шарқона мотивлар ҳамда Шарқ адабиётига қизиқишнинг сабабларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ғарб адабиётининг дурдона асарлари бадиияти негизида аслида Шарқда яратилган таълимотлар, эътиқодлар, қарашлар, борлиқ ва инсон ҳақидаги ғояларнинг акс этиши шарқшунослик концепцияси тараққиётини белгилаб берди. Англия илк романтизм шеърлятида шарқона мотивлар фалсафасини чоғиштириш Ғарб “ориентализм” концепциясининг ижодий-эстетик тамойилларини ёритишга, Ислом цивилизацияси ва маданияти, маърифати таъсирида яратилган Ғарб адабий намуналарининг психологик, ижтимоий-сиёсий, мотивацион тамойилларини илмий асослаш имконини беради.

Дунёнинг турли адабиётларига муносабатларда асосан ҳоким фикр ва қарашлар ривож топганлиги ҳақидаги узоқ йиллик адабий танқидлар шаклланган. Мазкур мунозаралар Шарқ ва Ғарб адабиёти билан боғлиқ бўлиб, уларда Шарқ адабиётининг Европа адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, Шарқ халқлари маданий тикланишидаги улуғ анъаналарнинг Ғарб маданиятига кўрсатган жиддий таъсири ўрганилган. Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг маданий алоқалари ривожига ҳосиласи бўлган «ориентализм» концепцияси чегарасида илк инглиз романтизм шеърлятида шарқона мотивларни қиёслаш инглиз ижодкорлари бадиий тафаккурида романтик бурилиш юз бериш омилларини, Шарқ ва Ғарб адабий-фалсафий муҳитининг уйғунлашиш жараёнларини илмий тасвирлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда илм-фан тараққиёти янги босқичга кўтарилаётган бугунги кунда адабиёт, санъат ва маданият жабҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак¹. Инглиз романтизм шеърляти вакилларининг асарларидаги шарқона мавзуларнинг насрий-назмий ифодаланиши, уларнинг ўзбек тилидаги таржималари таҳлили, романтик тасаввурлари, инглиз поэзиясининг лирик қурилмасига ориентализм мотивларининг синтезлашуви талқини замонавий адабиётшунослик соҳасини устувор назариялар билан бойитиш учун замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон фармонлари, 2017 йил

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. /<https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 376-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида илк инглиз романтизм шеърлятида учрайдиган шарқона мавзуларга доир илмий-назарий муаммолар M.P. Conant, L. Madden, L.J. Lowes, H. Bloom, L.M. Trilling, A. Richardson, E.W. Said, A.R. Kidwai, A. Muneer, J.L. Borges каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган². Шунингдек, Abdur Raheem Kidwai Байроннинг иккиламчи манбаларини тадқиқ этиб, унинг шарқшунос замондошлари бўлмиш Роберт Саути ва Томас Мур асарлари билан таққослаган. Naji B. Oueijan романтизм шеърлятида шарқона масалаларнинг ёритилиши борасида изланишлар олиб бориб, маданий ҳамжиҳатликни ўзида ифода этган Байроннинг «Шарқона қиссалар» («Oriental Tales») асарини ижобий қабул қилиш лозимлигини назарий исботлаш учун асослар келтирган.

Н.Я. Дьяконова, А.Ф. Лосев, Н.А. Соловьёва, Б.И. Колесников, Н.И. Конрад каби рус олимларининг тадқиқотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади³. Шарқшунос, академик Н.И. Конраднинг «Ғарб ва Шарқ» («Запад и Восток») номли рисолисида Ғарб адабиётида шарқона мавзулар масаласи

² Conant M.P. Oriental tale in England in the eighteenth century. 1st Edition. – London: Routledge, 1906. – 338 p.; Madden L. Robert Southey: The Critical Heritage. – London: Routledge, 1972. – 492 p.; Lowes L.J. The Road to Xanadu: A Study in the Ways of Imagination. – England: Dyer Press, 2007. – 972 p.; Bloom H., Trilling L. Romantic Poetry and Prose. – Oxford: Oxford University Press, 1973. – 864 p.; Richardson A. British Romanticism and the Science of the Mind. – Cambridge: Cambridge University Press, 2001. – 268 p.; Said E.W. Orientalism. – London: Penguin, 1985. – 368 p.; Kidwai A.R. Orientalism in Lord Byron's Turkish Tales. – Lampeter, UK: Mellen Press, 1995. – 304 p.; Muneer A. Oriental Influences in Romantic Poetry with Special Reference to Coleridge and Southey. – Birmingham: University of Birmingham, 1959. – 305 p.; Borges J.L. "The Translators of The Thousand and One Nights" in The Total Library: Selected Non-Fiction, ed. Eliot Weinberger. – New York: Penguin, 1999. – 580 p.; Oueijan N.B. The Progress of an Image: The East in English Literature. – New York: Peter Lang Inc., International Academic Publishers, 1996. – 152 p.

³ Дьяконова Н.Я. Английский романтизм. – Москва: Наука, 1978. – 208 с.; Лосев А.Ф. Гностицизм // Философская энциклопедия. Том. 1. – Москва: Советская энциклопедия, 1960. – 504 с.; Соловьёва Н.А., Колесников Б.И. История зарубежной литературы XIX века / Под ред. Н.А.Соловьёвой. – М.: Высшая школа, 1991. – 637 с.; Конрад Н.И. Запад и Восток: Статьи. – М.: Наука, 1966. – М.: Наука, 1972. – 496 с.

тадқиқ этилган. Н.А. Соловьёва ва Б.И. Колесниковлар XVIII асрда яшаб ижод қилган «Кўл мактаби» намояндалари бўлмиш Уильям Вордсворт, Сэмюэл Тейлор Кольриж, Роберт Саути, Томас Мур ва бошқа шоирларнинг ижодига баҳо беришса-да, аммо уларнинг асарларидаги шарқона мавзуларга етарлича аҳамият берилмаган.

Шунингдек, Ғарб ва Шарқ воқелиги тасвири мамлакатимиз олимлари М. Холбеков, Ф. Сулаймонова, М. Бақоева, М. Жўраев, Ш. Шомусаров, П. Қурбонов, У. Қаршибаеваларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган⁴. Хусусан, профессор М. Холбековнинг “Марло ва Шекспир” номли рисоласида Ғарб романтизм адабиёти вакиллари ижодини ёритувчи маълумотлар мавжуд. Бугунга қадар мавзу юзасидан олиб борилган изланишлардан маълум бўладики, юртимизда айнан илк инглиз романтизм шеърлятида шарқона мавзулар талқини алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланиб, бадий-эстетик ёндашув асосида махсус ўрганилмаган. Шу боис илк инглиз романтизм шеърлятида шарқона мавзулар талқинини таҳлил ва тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Англия ва Америка адабиёти тарихи ва долзарб масалалари, бадий таҳлил усул ва тамойиллари» устувор илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғарб адабиёти, хусусан, илк инглиз романтизм шеърлятида келтирилган шарқона мавзуларни ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

илк инглиз романтизм шеърляти вакиллари ҳаёти ва ижодига боғлиқ адабиётлар, материаллар юзасидан ижодий-индивидуал қиёсда назарий-типологик умумлашмалар чиқариш;

«Ориентализм» концепциясининг вужудга келиши ва унинг адабий-эстетик тамойиллари борасидаги шарқшунос олимларнинг баҳс-мунозараларини таҳлил қилиш;

инглиз романтизм даври адабиёти намояндалари Сэмюэл Тейлор Кольриж, Уильям Вордсворт ва Роберт Саутилар асарларида шарқона мавзуларнинг ўзига хос фарқли ва муштарак жиҳатларини назарий далиллаш;

Ғарбда тараққий топган тамойилларни шарқона адабий анъаналар билан уйғунлаштиришда «Кўл мактаби» шоирларининг бадий изланишларини яхлит илмий-эстетик таҳлилга тортиш.

⁴Холбеков М.Н. Марло ва Шекспир. Тадқиқотлар, мақолалар, тақризлар. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2015. – 337 б.; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 416 б.; Бақоева М. Проблемы перевода английской поэзии на узбекский язык (На материале переводов произведений Байрона): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – 178 с.; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т., 2001; Қурбонов П. Байрон ижодида Шарқ ва шарқона мотивлар тавсифи (қиёс ва таржима): Филол.фанл.бўйича фалс. доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. –Б.50; Қаршибаева У.Д. Француз романтизм прозасининг поэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Т., 2016. – 221 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида илк англиз романтизм шеърияти вакиллари ижодини ёритувчи илмий манбалар, Сэмюэл Тейлор Кольриж, Уильям Вордсворт ва Роберт Саути асарларининг англиз тилидаги нашрлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини илк англиз романтизм шеърияти (XVIII аср) вакиллари, хусусан, «Кўл мактаби» шоирлари С. Т. Кольриж, У. Вордсворт ва Р. Саути асарларида шарқона мавзулар талқини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, биографик, психологик, структурал таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидалардан иборат:

инсон, унинг моҳияти, манфаатлари; инсонпарварлик, донишмандлик ва ахлоқий қадриятларни акс эттирган шарқона мавзуларнинг Ғарб адабиётидаги етакчи хусусиятлари ва Европанинг Шарқ адабиётига бўлган қизиқиши натижасида пайдо бўлган «ориентализм» концепциясининг ижодий-эстетик тамойиллари асосланган;

илк англиз романтизм даври адабиётида муаллиф шахсияти, бадиий тафаккури ва руҳиятини белгилашда услубнинг мўътадил салобати, санъатнинг нозик мутаносиблиги, жисмоний ва ақлий нафосатнинг шакллари, характер ва ҳис-туйғуларнинг адолатли тақсимоти, ҳикоя ва далиллар риторикаси, эпик ва драматик шеъриятнинг доимий тузилмаси каби Шарқ адабиётининг бадиийлик мезонлари бирламчи эканлиги далилланган;

Шарқ лирикасининг англиз шеърияти тузилиши, шеърий жанрларига таъсир доираси; тилнинг луғат бойлиги ўсишига ҳисса қўшган шарқий тиллардан ўзлашган сўзлар Ғарбда Шарқ адабиётининг кенг тарғиб қилиниши натижаси эканлиги исботланган;

«Кўл мактаби» вакиллари Кольриж, Вордсворт ва Саутиларнинг поэмаларида учрайдиган Шарқ ва Ғарб анъаналари кесишуви, Ғарбда яратилган бадиий асарларда шарқона руҳ ва шарқона фалсафанинг инъикоси, ҳар икки минтақа маданияти ҳамда қадриятлари қиёсий-типологик умумлашмалар синтези орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

романтизм адабиётининг муҳим хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий тушунчалар бериши, адабиёт назарияси, қиёсий адабиётшунослик, жаҳон адабиёти каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

XVIII аср илк англиз романтизм шеъриятида шарқона мотивлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири «Минг бир кеча» туркум араб эртақларининг таржима қилиниши билан боғлиқлиги очиб берилган;

англиз романтизм даври асосчиларининг ижодий-индивидуал услуби ҳамда эпик маҳорати хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари кенгайтирилган;

шоирлар лирикасида исломий диний эътиқод ва тасаввуфий ғоялар, мусулмон урф-одатлари, тарихий шахс ва жойлар, Шарқ халқлари турмуш

тарзининг бадиий тасвири Шарқ эртақларига асосланган ҳолда ёзилгани илмий-назарий аспектда ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, психологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар инглиз романтизм шеъриятида қаламга олинган шарқона мавзулар, инглиз романтизм шеърияти намояндалари ҳаёти ва ижоди, асарлари таржималари жаҳон адабиётшунослигида долзарб бўлган романтизм даври адабиёти назарияси бўйича мавжуд маълумотларни кенгайтириш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш амалиётида кенг фойдаланиш имкониятлари билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан «Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти», «Қиёсий адабиётшунослик», «Адабиёт назарияси», «Адабий алоқалар», «Адабий-бадиий таҳлил методлари», «Жаҳон адабиёти» каби фанлар ва махсус курсларни ўқитишда, ўқув қўлланма, дарслик, мажмуа, луғатлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илк инглиз романтизм даври шеъриятидаги шарқона мавзулар талқини масаласини тадқиқ этиш ва мазкур муаммонинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

Ғарб тиллари луғат бойлиги ўсишига ҳисса қўшган шарқий тиллардан ўзлашган сўзлар Европада романтизм даврида Шарқ адабиётининг кенг тарғиботи натижаси эканлигига доир хулосалардан 2007-2011 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 89-03-3891-сон маълумотномаси). Натижада бу давр ижодкорлари лирикасидаги бадиий тасвирий ифодалар ва уларнинг деривацион хусусиятлари, уларнинг тилшунослик соҳасига қўшган улушлари ҳамда аҳамиятли жиҳатларига оид назарий умумлашмалар тилнинг деривацион вазифаларини аниқлашга имкон яратган;

илк инглиз романтизм даври адабиётида диний-маърифий мавзудаги ориентал поэмаларнинг шарқона хусусияти, Ислом маърифати, тасаввуф ғоялари билан боғлиқлиги масаласи ва унинг аҳамиятига доир маълумотлардан 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-118 рақамли «Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13

октябрдаги 89-03-3891-сон маълумотномаси). Натижада Ғарб адабиётининг қатор дурдона асарлари муваффақияти негизида аслида Шарқ адабиёти туришини очиб беришга хизмат қилган;

илк инглиз романтизм даври адабиёти ва шу даврда яшаб ижод қилган шоирларнинг асарларида келтирилган шарқона мотивлар, тасвир воситалари ва усуллари оид маълумотлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Халқаро адабий алоқалар ва бадиий таржима бўлими қошидаги таржима кенгашлари ва тўғарақлари фаолиятини ривожлантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-03-07/939-сон маълумотномаси). Натижада уюшма фаолиятини илмий-назарий ва илмий-методологик жиҳатдан ривожлантиришга ҳамда ёш ижодкорларнинг Ғарб ва Шарқ адабий алоқалари ҳақида батафсил маълумот олишларига эришилган;

Англияда романтизм даври адабиётига мансуб шоирларнинг асарларида келтирилган шарқона мотив ва таҳлилларга оид илмий натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Yoshlar» радиоканали «Адабиёт ичида» радиоэшиттиришида, шунингдек, Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг «Ижод завқи» ва «Адабиёт бўстонида» номли радиоэшиттиришларида фойдаланилган («Yoshlar» телерадиоканалининг 2020 йил 21 сентябрдаги 14-03-154-сон, Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 26 февралдаги 01-01/66-сон маълумотномаси). Натижада ёшларда миллий ғурурни шакллантириш баробарида ўқувчиларнинг маънавий олами ва эстетик дидини ўстириш, тингловчиларнинг бадиий савиясини юксалтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

инглиз романтик шоирлар ижодида кузатилган шарқона мавзулар талқини масалаларига оид хулосалар ва амалий таклифлардан «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг 2018 йил 4 март 18(11221)-сонидан нашр қилинган «Маънавият гулшани» рукни остидаги «Шарқ ва Ғарб адабиёти кўприги» номли мақолани тайёрлашда фойдаланилган («Янги Сирдарё» газетасининг 2020 йил 9 сентябрдаги 29-сон маълумотномаси). Натижада мақоланинг объектив, холис ёндашув асосида тайёрланиши, маънавий таъсирчанлиги, бадиий эмоционаллиги ҳамда тарбиявий жиҳатини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та, жумладан, 4 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғарб адабиётида «ориентализм» концепциясининг вужудга келиши ва бадиий-эстетик моҳияти**» деб аталган биринчи боби «XVIII-XIX аср инглиз романтизм даври адабиётида ориентализм», «Романтизмнинг шаклланишида араб мифологиясининг таъсири» ва «Инглиз адабиётида романтик тасаввурларнинг асосий хусусиятлари» номли уч фаслдан таркиб топган. Бу фаслларда, асосан, «ориентализм»нинг моҳияти, Ғарб илмий оламида Шарқ фалсафаси, адабиёти ва маданиятини тадқиқ этиш концепцияси ёритилган.

Европада тарихчи олимлар ўртасида «ориентализм» тушунчаси қачон пайдо бўлганлиги билан боғлиқ баҳс-мунозаралар ҳанузгача давом этиб, уларнинг кўпчилиги Ўрта асрларданок Шарққа қизиқиш ва уни ўрганиш бошланганини қайд этишган. Аввалига ислом дини ва мусулмон аҳли урф-одатларини тадқиқ қилган ғарбликлар секин-аста исломий тамойиллар ва ушбу дин тарихи билан астойдил қизиқиб, араб тилини ўрганишган. Шундан сўнг, Шарқ халқларининг келиб чиқиши, маданияти, анъаналари, диний қарашлари, табиати ва энг кўп сўзлашадиган тилларини ўрганишга навбат этиб келди. Шу аснода, Ғарбда ориентализм, яъни шарқшунослик концепцияси тараққий этди. Шарқ дунёсидаги турли-туман, асосан, диний ва сиёсий мотивлар сабабли ўша даврдан то бугунги кунга қадар шарқшунос олимларнинг диққат марказини ислом дини, араб алифбоси ва исломий цивилизацияни ўрганиш эгаллаб келмоқда.

«Ориентализм» атамаси «*Oxford English Dictionary*» номли сўзларнинг луғавий маънолари келтирилган китобда «ориентализм» термини XVIII асрдан буён Осиё ёки Шарқ олами, тили, дини, тарихи ва маданиятини ўрганаётган шарқшунос олимларнинг тадқиқот иши ва мавзуси эканлиги қайд этилади. Ўрта асрнинг бошларидаёқ Ғарбда христиан теологлари ўртасида яҳудийлар тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ортди⁵. XIII аср ўрталарида ғарбликлар айрим Осиё тилларини пухта эгаллай бошлашди. XV асрда Европанинг нуфузли олийгоҳларида мумтоз грек ва римлик муаллифларнинг арабчадан қилган таржималари алоҳида фан сифатида ўрганилди⁶.

Ғарблик олим ва зиёлиларнинг ҳам «ориентализм» тушунчасини таърифлаши турличадир. Масалан, француз шарқшунос олими Максим Родинсон ориентализмни – Шарқ дунёсини ўрганувчи махсус билимлар

⁵ Smalley B. The study of the Bible in the Middle Ages. – England: Oxford publisher, 1983. – P. 138-158.

⁶ Martino P. L'Orient dans la Litterature Francaise au XVIIe et au XVIIIe Siecle. – Paris, 1906. – P. 237.

муассасаси эканлигини таъкидлаб, зудлик билан унинг журнали, уюшмаси ва илмий асосини яратувчи мутахассисга эҳтиёж мавжудлигини айтади. Родри Барт куйидаги фикрларни билдиради: «*Ориентализм – шарқшунослик ёхуд Шарқ дунёсининг илм-билимларидир*»⁷.

Америкалик олим Эдвард Саид юқоридаги уч муштарак таърифларни маъқуллаб, кўшимчалар киритади: биринчидан, ориентализм – академик мустақил фан соҳасидир. Иккинчидан, «*Ориентализм – «Шарқ» ва (асосан) «Ғарб» ўртасида яралган онтологик ва эпистемологик тафовутга асосланган фикр-мулоҳазалар услубидир*»,⁸ – деб ёзади у⁹. Учинчидан, бу концепция Шарқдан устун туришни кўзловчи ғарбча тахминий фалсафадир. XVIII–XIX аср романтизм даврида ориентализм ҳодисаси Шарқ адабиёти билан узвий боғланиб, у ўз ичига шарқона қиссалар, эртак, ҳикоя, афсонаю дostonларни қамраб олди. Бунинг асосий сабаби эса машҳур шарқшунос олим, таржимон ва давлат арбоби Жан Антуан Галлан (Jean Antonio Galland, 1646-1715) томонидан французчага ўгирилган «Минг бир кеча» бўлди. Инглизлар уни «The Arabian Nights' Entertainment» деб ҳам номлашади. Галланнинг таржима эртаклари ўн икки жилддан иборат бўлиб, Европа адабиётига мисли кўрилмаган тарзда таъсир ўтказди. 1704-1717 йиллар оралиғида араб қиссалари Ғарб мамлакатлари китобхонларида қизиқиш уйғотиб, қатор тилларга, хусусан, 1706 йил инглиз, 1712 йил немис, 1722 йил италян, 1732 йил нидерланд, 1763 йил рус, 1768 йил поляк ва бошқа тилларга таржима қилинди. Ёзувчи Хорхе Луис Борхеснинг таъкидлашича, Европада романтизм даври «Минг бир кеча» қиссаси таржимаси ўқилганидан сўнг бошланган. Илк инглиз романтизм адабиётида шарқона мавзулар XVIII аср бошларида «Минг бир кеча» араб қиссаларининг таржимасидан сўнг авж ола бошлади. Бу қиссалардаги сирли воқеалар, манзаралар ва ҳикоя кахрамонлари характери кўплаб инглиз ижодкорларига илҳом бағишлаб, «шарқона қиссалар» деб номланган янгича жанрда асарлар яратишга ундади. Абдулла ал-Даббажнинг фикрича, янги жанр ва араб эртакларининг таржима қилиниши романтизмнинг кириб келишига дебоча бўлди.

Британиялик ёзувчилар ҳам сирли араб эртакларини ўз тилларига ўгиришни ният қилишди. Ўша пайтларда Шарқ мавзусига қизиқиш ортиб, инглиз китобсеварлари учун араб дунёси тобора таниш бўла бошлади. Шарқ маданиятини асарларида куйлаган таниқли романтик ижодкорлар сирасига Ричард Бёртон, Томас Мур, Кольриж, Уильям Бекфорд, Уильям Вордсворт, Роберт Саути, Байрон ва Вальтер Скоттларни киритиш мумкин.

Адабиётшунос олимлар инглиз романтизмни куйидаги икки босқичга бўлиб ўрганади:

1. 1793-1812 йилларни ўз ичига олиб, «Кўл мактаби» дея номланади.
2. 1812-1832 йиллардаги ижодий фаолият.

⁷Taj M.K. Orientalism: Its Meaning, Its Philosophy and Its Methods. – Kuwait: Al-Arabi Linnashri Wa Attawzi, 2014. – P. 24. “*Orientalism is the science of the East, or the science of the Eastern World.*”

⁸ Said E.W. Orientalism. – London: Penguin, 1985. – P. 2-3. “*Orientalism is a style of thought based upon ontological and epistemological distinction made between «the Orient» and (most of the time) «the Occident.*”

⁹ Диссертацияда келтирилган инглиз тилидаги матнлар таржимаси муаллифга тегишли. – Г.М.

Биринчи босқич «Кўл мактаби» номи билан машҳур бўлиб, бу давр 1793-1812 йилларда яшаб ўтган лейкистлар (инглизчадан «lake» – кўл) асарларида ўз аксини топади. «Кўл мактаби» аъзоларини Уильям Вордсворт (1770–1850), Сэмюэл Тейлор Кольриж (1772–1834), Роберт Саути (1774–1843)лар ташкил этган. Улар кўллар ўлкасида туғилиб, шу маконда ижод қилганликлари боис «лейкистлар» номи билан шуҳрат қозонишди.

Инглиз романтизмнинг иккинчи босқичи – 1812–1832 йиллар (Байроннинг «Чайльд Гарольднинг саргузаштлари» («Childe Harold's Pilgrimage») асарининг биринчи нашри чоп этилган даврдан то Вальтер Скоттнинг ўлимигача бўлган давр)ни қамраб олади. Бу даврнинг асосий ютуқлари Байрон, Шелли, Скотт, Китс номлари билан узвий боғлиқ. Байроннинг «Чайльд Гарольднинг саргузаштлари» қиссасида барча миллатларнинг озодликдаги ҳаёти хусусида мадҳ этилиб, мустақиллик ва эркинлик учун кураш ҳар бир халқнинг бурчи экани таъкидланади. Илк романтик типдаги образлар «байронча қаҳрамон» («Byronic hero») деб номланган.

Романтизм тамойиллари ўзликни ва жамиятни англашдан иборат бўлиб, муносабатлар ва ҳиссиётлар тадқиқи, ўзини ва ўзгаларни тушуниб етиш орқали ўз аксини топади. Ҳолбуки, романтизм одамларда ғайриоддий ва кутилмаган воқеаларга бой асарлар орқали умид учкунларини ёқди. Бу давр руҳи инсониятни яна орзу қилишга, тасаввур қилишга, хаёлот осмонида парвоз айлаш, онгли ва онгсиз орзу-ҳаваслар ўртасидаги чегарани тафтиш этиш имконини берди. Романтизмнинг бу юксак мақсадлари биринчилардан бўлиб инглиз шоирлари томонидан аниқ-равшан ифода этилгач, кейинчалик бошқа бадий жанрлар, хусусан, мусиқа ва тасвирий санъатни ўз ичига қамраб олиб, шу тарзда кўплаб давлатларга ёйилди. Бу борада хануз ўзининг миллий концепциясига эга бўлмаган мамлакатларга романтик ҳаракат ғоялари таъсир кўрсатиб, ўзига хос тарздаги ноёб ижодий ва хаёлий тушунчаларни олиб кирди. Натижада эса шахс, санъат ва ҳиссий ифодалар кадр-қиммати амалиётда қайта тикланиб, илмий асосга йўналтирилган мантиқий қарашлар ўрнини туйғулар фалсафаси эгаллади. Тадқиқотчилар Блум ва Триллингларнинг ёзишича, романтик давр намояндаларининг улкан ҳиссалари ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамияти ва моҳиятини йўқотгани йўқ. Зеро, улар таъкидлаганидек: *«Романтизм... инсон табиатида хос ва моддир»*¹⁰.

Тадқиқотнинг «Англияда «Кўл мактаби» шоирлари ижодида шарқона мавзулар талқини» деб номланган иккинчи боби «Сэмюэл Тейлор Кольриж ва Уильям Вордсвортнинг романтизм назарияси ҳамда улар ижодида ориентал қарашларнинг шаклланиши», «Кольрижнинг «Кубла Хон» поэмасида шарқона мотивлар талқини», «Вордсвортнинг «Муқаддима» поэмасида келтирилган шарқона образлар таҳлили» сингари уч фаслдан иборат.

¹⁰ Bloom H., Trilling L. Romantic Poetry and Prose. – Oxford, United Kingdom: Oxford University Press, 1973. – P. 84. «Romanticism is... endemic in human nature...».

Англия адабиётида романтизм даврига асос солинишида муҳим ҳисса кўшган «Кўл мактаби» шоирлари Сэмюэл Тейлор Кольриж ва Уильям Вордсвортлар биргаликда Шарқ олами мифологиясини тадқиқ этиб, шарқона мотивлар акс этган ўзига хос поэмалар ёзишди. Уларнинг ҳамфикрликда ёзган «Шеърый қиссалар» («Lyrical Ballads», 1798) асари инглиз романтик ҳаракатининг бошланғич нуқтасидан дарак берса, Кольрижнинг «Biographia Literaria» (1817) рисоласи инглиз романтик давридаги умумий адабий муҳит ёритилган долзарб мавзули рисола ҳисобланади.

Икки забардаст ижодкор шеърят қандай бўлмоғи даркорлиги, уларнинг шеърый тўпламини ўқиган аудитория қандай хулоса олиши мумкинлиги хусусида тинмай баҳслашарди. Улар шу кўйи ўзаро меҳнатни тақсимлаб олишди. Унга кўра, Кольриж ғайритабиий нарсаларни ишонарли тарзда шеърый ифодалашди, Вордсворт эса оддийдан ғайриоддийлик томон бориб, кундалик ҳодисаларни зийраклик билан таърифлаши лозим эди. Инглиз адабиётида ушбу саъй-ҳаракатлар катта инқилобий ўзгаришлар ясади. «Шеърый қиссалар» асари инқилобнинг рамзи ва қуролига айланди. У назм ва насрни романтик, реалист ва модерн босқичларидан олиб ўтувчи йўналишни кўрсатиб, уларни безаб турди.

Айни дамда, Кольриж шеърга ҳамоҳанглик бериш учун шеърятнинг янги ва ноанъанавий хилини ривожлантиришни бошлайди. Ижодкорнинг шундай турдаги энг машҳур намуналаридан бири «Ярим тунги аёз» («Frost at Midnight») шеъри Сомерсетдаги сокин аёзли оқшом тасвири билан бошланиб, унда аёзнинг оҳиста иши ва ухлаётган чақалоқнинг нафас олиши ўртасидаги боғлиқлик хусусида мулоҳаза юритилади. Хулоса қисмида шоир болакайнинг «табиат фарзанди» («child of nature») руҳида тарбияланиши зарурлигини уқтириб, эҳтимол унинг таълимини кучайтириш учун келганини таъкидлайди. Шеърнинг авж нуқтасида Кольриж ўзининг фалсафий қарашлари замирида ётган бошқа бир мавзуга назар солади:

... сен кўрурсан, тингларсан ҳали¹¹

Гўзал шакл, равон товушли

Тангри берган абадий тилни,

Ул ўргатур шуни азалдан:

Сен барча чун, барча сен учун¹².

Кольрижнинг ушбу услубни ўзлаштиришга ҳаракатлари ва инсониятнинг қадимий урф-одатлари изидан кузатувлари уни мактаб давридаги ҳаёлий орзуларига қайтарди. У болалигида қиёсий дин ва мифологик асарларни ахтарган бўлса, эндиликда, инсон ҳаётининг феномени сифатида ифодаланган «ҳаётни англаш» («life consciousness») ғояси замирида келиб чиққан барча диний ва афсонавий аъёнларни ўрганишга киришган эди.

¹¹Диссертацияда келтирилган инглиз тилидаги бадиий асарлар таржимаси муаллифга тегишли. – Г.М.

¹²Coleridge S.T. The Poetical Works of Samuel Taylor Coleridge. – Oxford: Oxford University Press, 1969. – P.246. ...so shalt thou see and hear / The lovely shapes and sounds intelligible / Of that eternal language, which thy God / Utters, who from eternity doth teach / Himself in all, and all things in himself.

Таҳлилларимиз натижасида шу маълум бўлдики, Кольриж шеъряти Вордсворт шеърятидан услубий ва фалсафий жиҳатдан фарқ қилади. Кольрижнинг ёзиш услуби мураккаб бўлгани сабабли асарларининг асл мазмун-моҳиятини дарҳол англаш мушкулдек туюлиши мумкин. Кольриж шеърятида Вордсворт жуда содда ва одатий деб ҳисоблаган тажрибалар мураккаблашади. Уильям Вордсвортдан фарқли ўлароқ, Сэмюэл Тейлор Кольриж назмий илҳом учун кўпроқ тасаввурга таянади ва шеърятига диний ғояларни ўзига хос услубда киритади.

Вордсвортнинг машҳур шеърларининг аксарияти табиат ва қишлоқ ҳаёти ҳақидаги мулоҳазалардир. Унинг асарларида сиёсий қарашлар нисбатан камроқ учрайди. Кольриж шеъряти Вордсвортникидан кўра кўпроқ готик характерга эга. Айниқса, бу белгиларни шоирнинг «Қари денгизчи афсонаси» поэмасида учратиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган фарқларга қарамай, икки шоир услубининг муштарак жиҳатлари кўплиги боис, улар ҳамжиҳатликда илк инглиз романтизм шеъряти назариясини тузиш нақадар муҳим эканлигини англаб етди. Ҳар икки шоир ҳам ўз ҳиссиётларини ақл-идрок билан бошқариб, уни асарга туширишнинг уддасидан чиқди. Иккиси ҳам Франция инқилоби ва шахс эркинлигини қўллаб-қувватлаб, монархия тузуми тугатилиши тарафдорлари эди. Уильям Вордсворт ва Сэмюэл Тейлор Кольриж ўзига хос ёзиш услублари, қарашлари ва тасаввур оламининг кенглиги сабабли дурдона асарлар битиб, романтик шеърят даврининг устунларига айланди.

«Қубла Хон» (аслида «Хубилойхон») ёхуд «Тушдаги кечмишлар» асари қисқа бўлишига қарамай, кенг омма орасида шухрат қозониб, жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. «Қубла Хон» ва «Кристабель» асарларида алоҳида романтика аураси мавжуд бўлиб, улар қисман якунига етказилмаган. Ирландиялик ёзувчи Стопфорд Брук иккала поэмага «нафис қофиялар тизими» ва «тасаввурий ифодалаш» дея таъриф бериб, уларни бир-бири билан тенглаштириб бўлмаслигини таъкидлайди. «Қубла Хон» энг кўп ўрганилган машҳур инглиз назмий асарларидан бири ҳисобланади. У умумий эллик тўрт қаторлик уч фаслдан ташкил топган. «Қубла Хон» икки қисмга бўлиниб, муқаддима ва назмий бўлимдан иборат. «Қубла Хон»да учрайдиган ориентализмнинг биринчи мотиви поэманинг олтинчи сатрида сеҳрли ва илҳомбахш Шарқ саройи бўлмиш Чақандуни «ўн милга ёйилмиш серҳосил ерлар» деб таърифланишида намоён бўлади. Албатта, «Чақанду» инглизча сўз эмас ва бу ғарблик одамнинг шарқий жой қандай номланиши мумкинлиги ҳақидаги фаразларига ўхшайди ҳамда шу билан барча шарқий тиллар учун стереотипга айлантиради. Шунингдек, шоир «серҳосил» сўзи билан Шарқ аёлларининг серфарзанд эканлигига ҳам урғу бермоқчи бўлади.

Навбатдаги шарқона хусусият поэманинг тўққизинчи сатрида «Исириқ гуллари таратган бўйлар» таърифида кўзга ташланади. Маълумки, Шарқ мифологиясида исириқдан турли бидъатлар ва офатлардан мосуво бўлиш учун фойдаланилгани қайд этилади. Кольриж наздида, исириқ Шарқни ёдга солувчи шахвоний ва сирли предметдир. Исириқ – шарқлик аҳоли томонидан табобатда кенг қўлланиладиган шифобахш ва хушбўй ўсимликдир. Шу

сабабли шоир бусиз Шарққа шунчаки таъриф бериш хато бўлишини англаб етади. Шеърни унумдорлик ва исирик ҳақида сўзлаб беришни бошлаган ҳолда, у кейинги шарқона мотивларга замин яратди.

Кўплаб танқидчилар томонидан шеърнинг манзаравий тасвири ва ритмик қисми “маъносиз тўқима” (“meaningless reverie”) дея баҳоланиб, фақатгина унинг ёрқин ва таъсирчан ифодалари маъқулланади. Аммо шеър Кольрижнинг руҳий олами ва мифологик қарашлари жиҳатидан олиб қаралса, асар мураккаб тузилишли маънога эгаллиги ва фрагмент асосан инсон руҳияти сирларини очишга бағишланганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Шеърнинг илк икки қисмидаёқ контраст ҳолатлар гўзал очиб берилади: *биринчи қисмида*, тинчлик давридаги ижодий интилишлар – оромбахш сарой ва боғлар тимсолида кўрсатилса; *иккинчи қисмида* бешафқат замондаги ёвуз кучлар – аёл фарёди, бузғунчи фаввора ва уруш башорати ҳақидаги ваҳийлар орқали намоён бўлади. Фрагментнинг сўнгги қисмида, шоир агар хаёлий “Ҳабаш хизматкор” (“Abyssinian maid”)дан илҳом ололганида, илоҳий куёш худоси Аполлон унинг ёзганларига янада жозиба бағишлаши мумкинлиги тўғрисида хаёл қилади. Вордсворт «Муқаддима» қасидасини «Минг бир кеча» туркум қиссалари таъсирида ёзган. Вордсворт учун араб мифологияси дунёдаги энг муҳим илҳом манбаи эди. Романтик воқеа-ҳодисаларга йўғрилган Шарқ афсоналари шам мисоли қоронғу тунларни чароғон этиши хусусида шоир шундай дейди:

Ўзгача бир руҳият ер узра ҳукмрондир,
Хатто инсон қалбини забт этмоқда: сездирмай.
Бўй чўзмоқда қалбларда завқ-у шавқ уруғлари,
Кўнглин топар ҳам меҳрибон кимса-ю, ҳам –
Не қиларин ўйламас, билмас, ғам чекмасларнинг.
Бедор окшомларни ёритган «Эртак»,
Дарвешнинг хира чироғи остида
Араб афсонасин куйлайди бешак¹³.

«Муқаддима ёхуд шоир идрокининг улғайиши» («The Prelude or, Growth of a Poet's Mind») автобиографик поэмаси инглиз романтик шоири Уильям Вордсвортнинг турли ғаройиботларга тўла Шарқ оламига қизиқишини исботловчи асари ҳисобланиб, унинг уч хил варианты мавжуд:

1. 1798-1799 йилларда ёзилган «Муқаддима» бўлиб, у «икки қисмли муқаддима» («Two-Part Prelude») деб аталган. Унга кейинчалик давом эттирилган асарнинг дастлабки икки қисми киритилган.

2. 1805 йилгача ёзилган «Муқаддима» эса ўн учта бобдан иборат бўлиб, илк бора 1926 йилда британиялик олим ва танқидчи Эрнест де Селинкорт муҳаррирлигида нашрдан чиққан.

¹³ Wordsworth W. The Prelude or, Growth of a Poet's Mind; An Autobiographical Poem. – Oxford: Oxford University Press, 1970. – P. 4. A gracious spirit o'er the earth presides, / And o'er the heart of man: invisibly. / It comes, to works of unimproved delight, / And tendency benign, directing those / Who care not, know not, think not what they do / The Tales that charm away the wakeful night / In Araby, romances; legends penned / For solace by dim light of monkish lamps.

3. 1850 йилги «Муқаддима» тўлиқ ўн тўрт бобдан ташкил топиб, муаллиф вафотидан кейин кўп ўтмай, унинг беваси Мэри Вордсворт ташаббуси билан чоп этилган.

«Муқаддима» поэмаси шоирнинг кўрган-кечирганлари маҳсули ҳисобланиб, Вордсворт умрининг сўнгги йилларида «услубини сайқаллаб, инсон идрокининг табиат билан уйғунлашган ҳолда етукликка эришиши хусусидаги қатъий фикрларни билдириш»га¹⁴ эътиборини қаратади. «Муқаддима»нинг бешинчи бобида Вордсвортнинг Шарқ ва Ғарб ҳақидаги тушунчалари қоришиб кетади. Аммо бошқаларига қараганда, айнан шу бобда муаллифнинг Шарқ дунёсига қизиқиши ва бу борадаги қарашлари кенгрок ифодаланган. Асардаги тасвирлар орқали шуни англадикки, Вордсворт Шарқ маданияти ва ахлоқ-одоб қоидаларини қатъий ўрганиб, уларни поэмаларида қўллай олган. Мисол тариқасида олсак, араб туяда келган бўлса-да, шарқона урф-одатларга кўра пиёда йўловчига ҳурмат-икром кўрсатиш ниятида пастга тушиб, унга ҳамроҳлик қилади. Навбатдаги шарқона мотив поэмада шоирнинг кичик водийга ташриф буюрганидаги ҳолатда намоён бўлади. Муқаддам Шарқ мифологиясидаги турли-туман арвоҳлар билан боғлиқ ривоятларни ўқиган Вордсворт тўсатдан сувга чўккан одамнинг руҳи кўлдан чиқиб келганини тасаввур қилиб, аввал буни қаерда кўргани ҳақида фикр юритади:

Бундай манзарани кўзларим аввал
Порлоқ сой бўйида кўрган-ку ахир –
Сеҳрли ўлкада, ишқ ўрмонида,

Аларнинг руҳлари ғамгин томошани шод қилди¹⁵.

Кольриж ўзининг назмий устумонлиги, ижодкорлиги ҳамда янгиликка интилувчанлиги, эътиқод кучи ва инсониятнинг теран орзу-истакларини моҳирона ифодалай олганлиги билан ажралиб турса, Вордсворт шеъриятга ҳис-туйғуларнинг ўз-ўзидан кўтарилувчи тўфони сифатида қараганлиги билан эътиборга молик. Уларнинг назариясига кўра, шеърият риторик ва адабий қоидаларга қул бўлиб қолмаслиги, балки у шоирнинг ўй-хаёллари ҳамда кечинмаларини эркин ифодалаши зарур.

Диссертациянинг «**Роберт Саути шеъриятида шарқона ғоялар ва қадриятлар таҳлили**» номли учинчи боби «Сиёсий ва диний қарашларнинг Роберт Саути ижодига таъсири», «Роберт Саутининг «Талаба – вайрон қилувчи» поэмасида диний эътиқод масаласи», «Талаба – вайрон қилувчи» поэмасида шарқона қадриятлар тавсифи» сингари уч фаслдан ташкил топган.

Англияда илк инглиз романтизм даври шеъриятининг ёрқин вакилларида бири шоир Роберт Саути XIX аср Англия адабиёти тарихида адабий танқидчи ва жамоат арбоби сифатида ҳам муҳим роль ўйнайди. У қарийб 30 йил давомида, 1813 йилдан то умрининг охирига қадар (1843)

¹⁴ Abrams M.H., Greenblatt S.J. The Norton Anthology of English Literature, Seventh Edition, Volume 2. – New York: W.W. Norton & Company, 2000. – P. 323.

¹⁵ Wordsworth W. The Collected Poems of William Wordsworth. – Hertfordshire: Wordsworth Edition Ltd, 1998. – P. 442. *Possessed me, for my inner eye had seen / Such sights before, among the shining streams / Of faery land, the forest of romance, / Their spirit hallowed the sad spectacle.*

Англиянинг машҳур «Поэт-лауреат» (Poet-Laureate) унвонига сазовор бўлган. Бугунги кунга қадар унинг шеърлари замондошлари ва дўстлари Вордсворт ҳамда Кольрижлар ижоди каби ўз қадр-қимматини йўқотган эмас. Жумладан, 1814 йил «Ғолиб Кармен» («Carmen Triumphale»), 1816 йил «Шоирнинг Уотерлуга зиёрати» («The Poet's Pilgrimage to Waterloo»), «Малика Шарлоттанинг ёр-ёр кўшиғи ва унинг мунгли оҳанги» («Princess Charlotte's epithalamium and her elegy», 1817) ва жамоат тадбирларига бағишланган ўнлаб қасидалари китобхонлар томонидан яхши кутиб олинган. Роберт Саутининг «Талаба – вайрон қилувчи» («Thalaba the Destroyer») достонида бош қаҳрамон Талаба қандай қилиб ёвуз кучларни маҳв этиб, сўнг ўз илоҳий муҳаббатига эришгани баён қилинади. У саргузаштлари давомида Домданиэлнинг сувости ғорларида жодугар ва афсунгарларга қарши кураш олиб боради. Шу йўсинда муаллиф шарқона турли афсонаю ривоятлардан имкон қадар фойдаланганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Роберт Саути «Талаба – вайрон қилувчи» поэмасини 1799 йилнинг ёз ойларида ёзишни бошлаб, 1801 йилда якунига етказди. Поэмани ёзиш ғояси болалик даврларидан бери ривож топиб келаётганига қарамай, у аввал «Мэдок» достонини тугаллашни мўлжаллайди. Саути поэмани Португалиядаги сафари давомида ёзиб тугатади. Англияга юборилган нусхаси 1801 йил Лонгман томонидан чоп этилиб, афсуски, асар омма томонидан яхши кутиб олинмайди¹⁶. Кейинчалик Саути поэмага яна ўзгартиришлар киритади.

«Талаба – вайрон қилувчи» достони Ислом дини эътиқодига таяниб яратилган бўлса, «Мэдок» («Mados», 1805) поэмаси ҳинд халқи мифологияси билан боғлиқ. «Кехаманинг қарғиши» асари ҳинд афсоналаридан сўзласа, «Сўнгги Гот» («The Last of the Goths, 1814») Испаниянинг маврларга тажовузи ҳақидаги христиан достонидир.

